

## THE ROLE OF WIDE EXPORTS IN THE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY

**Ungarov Jahongirbek Yuldash oglu**

Student of Jizzakh Polytechnic Institute

tel: + 998 94 577 05 48

[jahongirungarovmail.com@mail.ru](mailto:jahongirungarovmail.com@mail.ru)

**Mamatkulov Shahzod Jumanazar oglu**

Student of Jizzakh Polytechnic Institute

tel: + 998 99 357 23 29

[mamatkulovshahzod333@gmail.com](mailto:mamatkulovshahzod333@gmail.com)

**Bozorov Alisher Ganisherovich**

Assistant Professor, Jizzakh Polytechnic Institute

tel: + 998 91 565 82 82

[alisher.bozorov93@mail.ru](mailto:alisher.bozorov93@mail.ru)

**Annotation:** The article describes quality and product quality. The effectiveness of measures to improve the quality of their products was discussed. The article argues that improving the quality of agricultural products will serve to fully meet the needs of the population in food, increase the efficiency of agricultural production.

**Key phrases:** Own standard, test, calibrate, label, export, Own DST, modification

## МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИНИ КЕНГ АЙЛАНИШИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Жиззах Политехника институти талабаси

Ўнгаров Жаҳонгирбек Йўлдош ўғли

тел: + 998 94 577 05 48

[jahongirungarovmail.com@mail.ru](mailto:jahongirungarovmail.com@mail.ru)

Жиззах Политехника институти талабаси

Маматқулов Шахзод Жуманазар ўғли

тел: + 998 99 357 23 29

[mamatkulovshahzod333@gmail.com](mailto:mamatkulovshahzod333@gmail.com)

Жиззах Политехника институти ассистенти

Бозоров Алишер Ганишиерович

тел: + 998 91 565 82 82

[alisher.bozorov93@mail.ru](mailto:alisher.bozorov93@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада сифат ва маҳсулот сифатига таъриф берилган. Маҳсулотларини сифатини ошириш чора-тадбирларининг самараси тўғрисида фикр юритилган. Мақолада

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатини яхшилаш аҳолини озиқ-овқатга бўлган эутиёжини тўла - туқис қондиришга хизмат қилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самадорлигини ошириш имконини бериши тўғрисида фикр юритилади.

**Аннотация:** В статье рассказывается о качестве и качестве продукции. Обсуждалась эффективность мер по повышению качества своей продукции. В статье утверждается, что повышение качества сельскохозяйственной продукции послужит полному обеспечению потребностей населения в продуктах питания, повышению эффективности сельскохозяйственного производства.

**Tayanch iboralar:** *Ўзстандарт, синаш, калибрлаш, ёрлиқ, экспорт, Ўз ДСТ, модификация.*

**Основные фразы:** *Собственный стандарт, тест, калибровка, этикетка, экспорт, собственный DST, модификация.*

Бугунги кунда барчамизга маълумки аграр соҳанинг барқарор ривожланишида мева-сабзавотчилик мажмуасининг ўрни каттадир. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш мажмуаси мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда ва экспорт салоҳияти буйича аграр соҳада пахтачиликдан кейинги ўринда туради.

Ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларининг мазкур хусусиятлари уларнинг жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида юқори рақобатбардошлигини таъминлайди, чунки Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган узум навларида канд таркиби 18 фоиздан 30 фоизгача, помидорларда қуруқ моддаларнинг улуши 5,5 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Бу эса Европадаги худди шундай маҳсулотлар курсаткичлардан сезиларли даражада юқори ва харидоргир ҳисобланади.

Ҳозирги кунда сабзавот экинлари, боғлар ва тоқзорлар майдони сезиларли равишда кенгайди: асосан оралиқ майдонларига 24,1 минг гектар ерга сабзавотлар, 84,6 минг гектарга картошка ва 58,1 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 7,6 минг гектар майдонда янги боғлар ташкил этилди, шундан 2,6 минг гектарда интенсив боғлар, 3,8 минг гектар ерда тоқзорлар яратилган, 8,5 минг гектар ердаги боғлар ва 6 минг гектар ердаги тоқзорлар қайта тикланди.

Маҳсулот экспорт қилиш қиймати унинг хажмига нисбатан усганлиги мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотига талаб жаҳон бозорида ортиб бораётганлигидан дарак бермоқда. Шунингдек, экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таркибида янги узилган сабзавотлар, мевалар, полиз маҳсулотлари ва дуккакдиларнинг катта улуши (79,8 фоиз) сакланиб қолади.

Бундай ахвол қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт салоҳиятини кутариш учун уларни қайта ишлаш, консервалаш ва кадоклаш буйича мавжуд корхоналарнинг қувватларидан янада туларок фойдаланишни талаб қилади. Жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бозорининг талабини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларининг янги серхосил ва рақобатбардош, минтакаларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос навларини яратиш, замонавий агротехника усулларини жорий этиш, узум, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқаларни етиштирувчиларнинг эҳтиёжлари учун

**мамлакатимизда ихчам тракторлар ва хишлох хўжалиги машиналарини яратиш ишларини такомиллаштириш зарур.**

Кишлох хўжалиги маҳсулотини ишлаб чихариш тузилмасини диверсификация хилиш, маҳсулотни етиштириш, ташиш, унга ишлов бериш, уни хайта ишлаш, ҳадохлаш, ҳам ички бозорда, ҳам ташхи бозорда истеъмолчиларга сотишнинг ресурсларини тежайдиган технологияларини жорий этиш, шу асосда озих-овхат маҳсулотларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш зарур.

Республикамизда бозор ихтисодиёти шароитида фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чихариш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда соҳада экспорт имкониятларини шаклланишини тезлаштириш учун хуйидаги босхичларга амалга ошириш зарур:

- қишлоқ хўжалиги хусусан мева-сабзавот маҳсулотларини фермер хўжаликлари ва уларнинг кооперативлари орқали бевосита экспорт қилишини рағбатлантириш борасидаги ҳуқуқий меъёрий асосларни такомиллаштириб бориш;

- қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг бозорини талаб ва таклиф ўзгаришига мос равишда тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Кейинги йилларда қайта ишлаш корхоналарини давлат монополиясидан чиқариш ва уларнинг ривожланиши учун тегишли кредитлар ажратиш асосида уларнинг ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга эришилмоқда. Аммо, давлат монополиясида бўлмаган ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологияни жорий қилишни тақозо этади.

Хом-ашё сифатида сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, сифатли ва раҳобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида эса фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда қайд этилган муаммоларнинг ижобий ҳал этилса, республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқи бозорда ўзининг муносиб ўрнини ва истеъмолчисини топиш имконини беради. Рақобатбардош, сифатли маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш кўламини кенгайтса, республикамизнинг мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳияти ортади. Ўз ўрнида экспорт салоҳияти юқори бўлган мамлакатда валюта фондини ортишига эришилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Б.Д.Юсупов ва б. Агросаноат мажмуи корхоналарида сифат менежментини такомиллаштириш.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари [www.stat.uz](http://www.stat.uz).
3. Ўз ДСт ИСО 9001:2009 Государственный стандарт Узбекистана. Системы менеджмента качества.
4. Ўз ДСт ИСО 9004:2009 Государственный стандарт Узбекистана. Системы менеджмента качества. Руководство по анализу и улучшению деятельности.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари [www.stat.uz](http://www.stat.uz).